

01/20-5-son  
2026-yil 19-yanvar



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Қишлоқ хўжалиги вазири –**  
**Хавфларни бошқариш кўмитаси**  
**раиси**

\_\_\_\_\_ **И. Абдурахмонов**  
“ 19 ” январь 2026 йил

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг**  
**Хавфларни бошқариш кўмитаси йиғилиши**  
**БАЁНИ 20-5-сон**

2026 йил “\_\_” январь

Қибрай тумани

**Раислик қилувчи:** – Б.Охунов – Хавфларни бошқариш кўмитаси  
(Кўмита) раиси ўринбосари

**Иштирок этдилар:** – Кўмита аъзолари, котиб, вазирлик таркибий  
бўлинмалари ва тизим ташкилотларидан  
таклиф этилган мутахассислар

**КУН ТАРТИБИ:**

**Вазирлик таркибий бўлинмаларининг фаолияти ва мақсадли  
кўрсаткичлар (индикаторлар)га эришиш билан боғлиқ аниқланган  
молиявий ва бошқа хавфлар ва уларни бартараф этиш чоралари  
тўғрисида.**

---

*(Охунов, Қулмирзаев, Икромов, Ашуров, Пардаев, ... Охунов)*

Кўмитаси раиси ўринбосари Б.Охунов йиғилишни очиб, кун тартибидаги масаланинг аҳамияти, тизимда хавфларни барвақт аниқлаш, уни бартараф қилиш ёки таъсирини камайтириш вазирликка юклатилган вазифаларни самарали амалга оширилишининг муҳим бўғини эканлиги, хавфларни бошқариш жараёни ягона тизим орқали амалга оширилиши бўйича атрофлича тўхталиб ўтди.

Йиғилиш раиси вазирлик таркибий бўлинмалари томонидан ўз фаолиятига оид хавфларни аниқланиши, баҳоланиши ва уларнинг реестрини шакллантирилиши ҳамда хавфларни камайтириш (олдини олиш, бартараф этиш) бўйича чора-тадбирлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқилиши хусусида таништириб ўтиб, таркибий бўлинмалар томонидан амалга оширилган ишлар билан батафсил таништириш учун



сўзни Қўмита котиби (Бюджет қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш бўлими бошлиғи) Н.Тошматовга берди.

Қўмита котиби сўз бошида хавфларни аниқлаш, уни туркумлаш ва баҳолаш, баҳоланган хавфларни даражасини белгилаш, хавфларни реестрини шакллантириш, хавфлар таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича тақдимот асосида тушунтириш берди.

Қўмита котиби томонидан вазирликда хавфларни барвақт аниқлаш мақсадида вазирликнинг 2025 йил 14 июлдаги 1037-сонли топшириғи асосида барча таркибий бўлинмалар ва тизим ташкилотларига 2025 йилнинг 1 августига қадар фаолиятига оид хавфларни аниқлаш, баҳолаш ва уларнинг реестрини шакллантириш ҳамда хавфларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси берилганлигини, таркибий бўлинмалар томонидан топшириқ бажарилмаганлиги айтиб ўтилди.

Шундан сўнг, мазкур топшириқ қайта шакллантирилиб (2025 йил 29 сентябрдаги 1375-сон), вазирликнинг барча таркибий бўлинмаларига 2025 йилнинг 1 ноябрга қадар фаолиятига оид хавфларни аниқлаш, баҳолаш ва уларнинг реестрини шакллантириш ҳамда хавфларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қайта топшириқ берилиб, топшириқни бажармаган таркибий бўлинма раҳбарларига нисбатан чора кўрилиши юзасидан огоҳлантирилди.

Мазкур топшириқ фақатгина марказий аппаратнинг 36 та таркибий бўлинмаларига ижро учун юборилган, бироқ 14 та ҳудудий бошқармалар ва 15 та тизим ташкилотларига юборилмасдан қолган.

Шундай бўлсада, марказий аппаратнинг 30 та таркибий бўлинмаси такрор берилган топшириқ ижроси таъминланмаган.

Назорат ва ижро бўлимига ушбу топшириқни ижродан Ички аудит бошқармаси билан келишилган ҳолда ечирилиши юклатилган бўлсада, ушбу ҳолатда ҳам асоссиз ижродан ечиб юборилган.

Топшириқ марказий аппаратнинг 6 та таркибий бўлинмалари томонидан (Молия-иқтисод, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси, Илм-фан, инновациялар ва таълимни ривожлантириш бошқармаси, Ички аудит бошқармаси, Комплеанс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими, Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими, Агрокосмик технологияларни жорий қилиш бўлими) бажарилиб, ишчи органга маълумотлар киритилган.

Таркибий бўлинмалар томонидан тақдим этилган маълумотлар қайта ишланиб, хавфлар реестри ва чора-тадбирлар режаси лойиҳаси шакллантирилди.



2025 йилнинг декабрь ойида хавфларни бошқариш жараёни бўйича ички аудит тадбири ўтказилиб, Қўмита раисига ахборот киритилди. Мазкур ахборот асосида вазирнинг 2025 йил 3 декабридаги 1642-сон топшириғи шакллантирилиб, барча таркибий бўлинмаларига 2026 йил 10 январга қадар фаолиятига оид хавфларни аниқлаш, баҳолаш ва уларнинг реестрини шакллантириш ҳамда хавфларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қайта топшириқ берилиб, топшириқни бажармаган таркибий бўлинма раҳбарларига нисбатан чора кўрилиши юзасидан огоҳлантирилган. Шунга қарамасдан фақат 9 та таркибий бўлинма ва 1 та тизим ташкилоти маълумот тақдим этган.

Вазирлик марказий аппаратининг **27 та таркибий бўлинмаси топшириқ 3 марта такроран берилганига қарамасдан топшириқни бажармаган**, 14 та ҳудудий бошқармалар ва 15 та тизим ташкилотларига топшириқ юборилмаган.

Қўмита котиби сўзи якунида хавфларни аниқлашда таркибий бўлинмаларнинг фаоллиги йўқлиги, “хавф” деганда “камчилик” сифатида кўрилатганлиги, айрим таркибий бўлинмаларда нафақат хавфлар, балки олди олинмаганлиги сабабли муаммолар юзага келиб бўлганлиги, хатто жиноий жавобгарлик ҳолатлари учраётганлигини айтиб мисол билан изоҳлади.

Жумладан, Ички аудит бошқармаси томонидан Субсидиялар ва молиялаштириш бошқармаси фаолияти билан боғлиқ ҳолатлар ўрганилиб, муаммоларни бартараф этиш, хавфларни камайтириш юзасидан бир неча марта таклифлар киритилганлигига қарамасдан ушбу хавфлар реестрга киритилмасдан, бартараф этиш чоралари ишлаб чиқилмасдан қолиб кетган.

Қўмита ишчи органи - Ички аудит бошқармаси бошлиғи Ф.Ашуров сўзга чиқиб тизим ташкилотлари ва таркибий бўлинмалардан зарур бўлган маълумотларни олиш, лозим бўлган мутахассисларни жалб қилиш ҳамда хавфларни бартараф қилиш бўйича маълумот ва ҳисоботлар олиш ваколатига эга эканлиги ҳамда мажбуриятлари тўғрисида айтиб, бундан кейинги фаолиятда бундай ҳолатлар такрорланмаслиги бўйича огоҳлантирди.

Шунингдек, таркибий бўлинмалар ва тизим ташкилотларида фаолиятида хавфларни келиб чиқиш сабаблари ва уларни олдини олиш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги хавфларни юзага келишига имкон берувчи зиддиятларни бартараф этиш бўйича тушунтириш берди.

Шу ўринда вазирлик таркибий бўлинмаларига ўз фаолиятига оид хавфларни аниқлаши ва баҳолаб уларнинг реестрини шакллантириши, хавфларни камайтириш (олдини олиш, бартараф этиш) бўйича чора-



тадбирлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқиб ва унинг бажарилишини таъминлаши ҳамда уларнинг мониторингини юритиш бўйича мажбуриятини эслатиб ўтди.

Хавфлар реестрини шакллантириш бўйича таркибий бўлинмалар ва тизим ташкилотларига берилган топшириқ бўйича аксарият бўлинмалар хавфлар мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот берганлиги, яъни етарлича эътибор қаратилмаётганлигини маълум қилди.

Хавфлар реестрини шакллантириш юзасидан берилган топшириқ бўйича вазирликнинг таркибий бўлинмалари томонидан тақдим этилган хавфлар асосида шакллантирилган реестр Қўмитага тақдим этилди ва мазмуни билан йиғилиш иштирокчиларини таништириб, уларни бартараф этиш бўйича таклифларни йиғилиш муҳокамасига берди.

Йиғилиш иштирокчилари хавфларни шакллантириш, бартараф этиш бўйича ўзларини қизиқтирган мавзуларда Қўмита ишчи органига саволлар билан мурожаат этиб, муҳокама қилинди ҳамда ўз таклифларини билдирдилар.

Кун тартибидаги масала бўйича ҳамда билдирилган таклифларни инобатга олиб, йиғилиш **қарор қилади:**

1. Қўмита ишчи органи – Ички аудит бошқармасининг Қўмитага киритган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Йиғилиш муҳокамаси ва берилган таклифлардан келиб чиқиб хавфлар реестри 1-иловага мувофиқ, хавфларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Берилган топшириқларни ижроси таъминланмаган бўлсада назоратдан ечиб юборилгани, 14 та ҳудудий бошқармалар ва 15 та тизим ташкилотларига топшириқ юборилмаганлиги ҳолатлари бўйича Назорат ва ижро интизоми бўлими қатъий огоҳлантирилсин.

4. Вазирлик таркибий бўлинмалари ва тизим ташкилотлари жорий йилнинг 1 мартига қадар ҳар бир таркибий бўлинма камида 20 та хавф аниқлаб таъсирини камайтириш, бартараф этиш чорасини кўрсин.

Йиғилиш котиби



Н. Тошматов



**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги  
вазирлиги Хавфларни бошқариш  
қўмитасининг 19 январь 2026 йилдаги  
01/20-5-сонли йиғилиш баёни 1-илоvasи**

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг**

**ХАВФЛАР РЕЕСТРИ**

| <b>Хавф<br/>тури*</b> | <b>Хавф<br/>тоифаси*</b> | <b>Ташкилий<br/>тасниф**</b> | <b>Хавф<br/>тартиб<br/>рақами</b> | <b>Хавф номи</b>                                                                                                                                              | <b>Хавф<br/>даражаси</b> | <b>Хавф<br/>баҳоси</b> | <b>Хавф эгаси</b>                                                                                    |
|-----------------------|--------------------------|------------------------------|-----------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------|------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1                     | 02                       | 082                          | 0001                              | Ахборот тизимлари ва компьютерларга<br>зарарли дастурлар (вирус, троян)<br>тушиши                                                                             | 4                        | ЎРТА                   | Агро маълумотлар базасини<br>бошқариш ва таҳлили,<br>тармоқларни рақамли<br>интеграциялаш бошқармаси |
| 1                     | 01                       | 082                          | 0002                              | Бюджет дастурлари мақсадли<br>индикаторлари ижросига масъуллар<br>баҳолашга маълумотларни тўғри ва<br>тўлиқ эмаслиги натижасида ижро<br>тўғри баҳоланмаслиги. | 3,28                     | ЎРТА                   | Ички аудит бошқармаси                                                                                |
| 1                     | 03                       | 082                          | 0003                              | Масофавий аудит АТга орқали келиб<br>тушадиган рискларнинг тўлиқ ва<br>сифатли ўрганилмаслиги                                                                 | 3,22                     | ЎРТА                   | Ички аудит бошқармаси                                                                                |
| 1                     | 01                       | 082                          | 0004                              | Ходимлар ўз вақтида меҳнат таътилига<br>чиқмаслиги оқибатида меҳнат<br>қонунчилиги бузилиши                                                                   | 3,04                     | ЎРТА                   | Инсон ресурсларини<br>ривожлантириш ва<br>бошқариш бўлими                                            |
| 1                     | 01                       | 082                          | 0005                              | Ишсизлик, камбағаллик                                                                                                                                         | 4,37                     | ЎРТА                   | Илм-фан, инновациялар ва<br>таълимни ривожлантириш<br>бошқармаси                                     |



|   |    |     |      |                                                                                                                                                                         |       |      |                                                                              |
|---|----|-----|------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------|------|------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | 05 | 082 | 0006 | Коррупциявий хавф                                                                                                                                                       | 4,6   | ЎРТА | Илм-фан, инновациялар ва таълимни ривожлантириш бошқармаси                   |
| 1 | 01 | 082 | 0007 | Давлат харидлари жараёнида афилланган шахсларни иштирок этиши                                                                                                           | 3,8   | ЎРТА | Молия-иқтисод, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси                     |
| 1 | 01 | 082 | 0008 | Янги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қонунчиликка зид нормалар киритилиши                                                                                | 3,22  | ЎРТА | Юридик таъминлаш бошқармаси                                                  |
| 1 | 03 | 082 | 0009 | Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларнинг мавжудлиги                                                                                  | 3,8   | ЎРТА | Юридик таъминлаш бошқармаси                                                  |
| 1 | 01 | 082 | 0010 | Карантин зарарли организмлар билан зарарланиш эҳтимоли                                                                                                                  | 5,405 | ЎРТА | Ўсимликлар ҳимояси ва агрокимё бўлими                                        |
| 1 | 01 | 082 | 0011 | Яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотлар ўтказиш ҳамда яйловларни хатловдан ўтказиш ишларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилмаслиги                          | 3,8   | ЎРТА | Тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерлар деградациясига қарши курашиш бошқармаси |
| 1 | 03 | 082 | 0012 | Суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқ агрокимёвий тадқиқотлар ўтказиш ва агрокимёвий картограммалар тузиш ишларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилмаслиги | 3,8   | ЎРТА | Тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерлар деградациясига қарши курашиш бошқармаси |
| 1 | 02 | 082 | 0013 | Кредит-модуль тизимида хатолар                                                                                                                                          | 4     | ЎРТА | Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти                       |
| 1 | 02 | 082 | 0014 | Таълим сифати пасайиши                                                                                                                                                  | 4     | ЎРТА | Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти                       |



|   |    |     |      |                                                    |      |      |                                                              |
|---|----|-----|------|----------------------------------------------------|------|------|--------------------------------------------------------------|
| 1 | 02 | 082 | 0015 | Илмий тадқиқотлар самарасизлиги                    | 3,5  | ЎРТА | Андижон қишлоқ хўжалиги<br>ва агротехнологиялар<br>институти |
| 1 | 03 | 082 | 0016 | Илмий лойиха маблағларидан<br>самарасиз фойдаланиш | 3,4  | ЎРТА | Андижон қишлоқ хўжалиги<br>ва агротехнологиялар<br>институти |
| 1 | 02 | 082 | 0017 | Амалиётларни сифатсиз ташкил этиш                  | 5,25 | ЎРТА | Андижон қишлоқ хўжалиги<br>ва агротехнологиялар<br>институти |
| 1 | 02 | 082 | 0018 | Лаборатория жиҳозларининг<br>яроқсизлиги           | 3,2  | ЎРТА | Андижон қишлоқ хўжалиги<br>ва агротехнологиялар<br>институти |
| 1 | 03 | 082 | 0019 | Харидларда қонун бузилиш                           | 3,4  | ЎРТА | Андижон қишлоқ хўжалиги<br>ва агротехнологиялар<br>институти |
| 1 | 03 | 082 | 0020 | Давлат мулки талон-торож қилиниши                  | 3,3  | ЎРТА | Андижон қишлоқ хўжалиги<br>ва агротехнологиялар<br>институти |
| 1 | 02 | 082 | 0021 | Талабалар турар жойида санитар ҳолат<br>бузилиши   | 3,4  | ЎРТА | Андижон қишлоқ хўжалиги<br>ва агротехнологиялар<br>институти |



**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги  
вазирлиги Хавфларни бошқариш  
қўмитасининг 19 январь 2026 йилдаги  
01/20-5-сонли йиғилиш баёни 2-илоvasи**

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг хавфларни камайитириш (олдини олиш ва бартараф этиш) юзасидан  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| № | Хавф номи*                                                                                                                                       | Чора-тадбир номи*                                                                                                                | Амалга ошириш механизми                                                                                                                                               | Бажариш<br>муддати | Масъул бўлинма                                                                              |
|---|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | Ахборот тизимлари ва компьютерларга зарарли дастурлар (вирус, троян) тушиши                                                                      | Вазирлик локал тармоғида ахборот алмашинувида юзага келиши мумкин бўлган хавфларни олдини олиш учун Антивирус дастури сотиб олиш | Антивирус дастури сотиб олиш бўйича тахлилий маълумотларни тегишли вазир ўринбосарига киритиш                                                                         | 01.04.2026         | Агро маълумотлар базасини бошқариш ва тахлили, тармоқларни рақамли интеграциялаш бошқармаси |
| 2 | Бюджет дастурлари мақсадли индикаторлари ижросига масъуллар баҳолашга маълумотларни тўғри ва тўлиқ эмаслиги натижасида ижро тўғри баҳоланмаслиги | Масъулларга интизомий жазо чорасини қўллаш                                                                                       | Баҳолашга маълумотларни тақдим этмаган ёки нотўғри маълумот тақдим этган таркибий бўлинмалар раҳбарларига интизомий жазо чораси қўллаш бўйича раҳбарга таклиф киритиш | 01.04.2026         | Ички аудит бошқармаси                                                                       |
| 3 | Масофавий аудит АТга орқали келиб тушадиган рискларнинг тўлиқ ва сифатли ўрганилмаслиги                                                          | Ички аудит бошқармасининг барча ходимларини Масофавий аудит АТдан фойдаланиш имконини яратиш                                     | Ички аудит бошқармасининг барча ходимлари учун ТОКЕН калитлар сотиб олиб, уланишга рухсат олиш учун Ҳисоб палатасига хат чиқариш                                      | 01.04.2026         | Ички аудит бошқармаси                                                                       |
| 4 | Ходимлар ўз вақтида меҳнат таътилига чиқмаслиги оқибатида меҳнат қонунчилиги бузилиши                                                            | Вазирлик марказий аппарати ходимларининг меҳнат таътилига чиқиш графигини тасдиқлаш                                              | Меҳнат кодекси талабларидан келиб чиқиб, ходимлар билан келишилган ҳолда меҳнат таътилига чиқиш графигини шакллантириш ва биринчи раҳбарга тасдиқлаш учун киритиш.    | 01.02.2026         | Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими                                         |



|   |                                                                                          |                                                                                                                                                                                        |                                                                                                                                                                                             |                                                         |                                                            |
|---|------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------|
| 5 | Олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминланмаслиги хавфи                 | Олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, улар учун бўш иш ўринларини топиш, ўз мутахассисликлари бўйича фаолият олиб боришидаги юзага келадиган муаммолар эҳтимоли | “Меҳнат ярмаркалари”ни мунтазам равишда ўтказиб бориш                                                                                                                                       | 01.04.2026,<br>01.07.2026,<br>01.10.2026,<br>01.01.2027 | Илм-фан, инновациялар ва таълимни ривожлантириш бошқармаси |
| 6 | Коррупциявий хавф                                                                        | ОТМларни бакалаврият, магистр, олий таълимдан кейинги таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклашдаги коррупциявий хавф-ҳатарлар эҳтимоли         | Коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтириш бўйича тадбир ташкил этиш                                                                                                                   | 01.05.2026                                              | Илм-фан, инновациялар ва таълимни ривожлантириш бошқармаси |
| 7 | Давлат харидлари жараёнида афилланган шахсларни иштирок этиши                            | Давлат харидларини амалга ошириш жараёнида афилланган шахс иштирокини олдини олиш                                                                                                      | Контрагентларни ўрганиш ва давлат харидларида афилланган шахслар иштирокини олдини олиш                                                                                                     | 01.04.2026,<br>01.07.2026,<br>01.10.2026,<br>01.01.2027 | Молия-иқтисод, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси   |
| 8 | Янги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қонунчиликка зид нормалар киритилиши | “Loyiha.adliya.uz” тизими орқали вазирликка келишиш учун киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни вазирликнинг тегишли бўлинмалари билан биргаликда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш       | 1. Ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Конституция ва қонунларга, унга нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш | 30.12.2026                                              | Юридик таъминлаш бошқармаси                                |
| 9 |                                                                                          |                                                                                                                                                                                        | 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг талабларига мувофиқлигитекшириш                                                                               | 30.12.2026                                              | Юридик таъминлаш бошқармаси                                |



|    |                                                                                                                                                |                                                                                                                                                                                              |                                                                                                                                                                                                          |            |                                                                              |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------|------------------------------------------------------------------------------|
| 10 |                                                                                                                                                |                                                                                                                                                                                              | 3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлигини текшириш                                                                           | 30.12.2026 | Юридик таъминлаш бошқармаси                                                  |
| 11 | Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларнинг мавжудлиги                                                         | Ўз аҳамиятини йўқотган, бир-бирини такрорловчи, бюрократик тўсиқларни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида коррупциявий ва коллизияларни келтириб чиқарувчи нормаларни аниқлаш ва уларни бекор қилиш | 1. Қишлоқ хўжалиги соҳасида қабул қилинган амалдаги қонунчилик ҳужжатларини хатловдан ўтказиб, коррупциявий экспертизадан ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини шакллантириш                | 31.05.2026 | Юридик таъминлаш бошқармаси                                                  |
| 12 |                                                                                                                                                |                                                                                                                                                                                              | 2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжаларни (рўйхат бўйича) коррупциявий экспертизадан ўтказиш                                                                                                                        | 01.12.2026 | Юридик таъминлаш бошқармаси                                                  |
| 13 |                                                                                                                                                |                                                                                                                                                                                              | 3. Экспертиза натижасида аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш ҳамда раҳбариятга киритиш                                                                             | 30.12.2026 | Юридик таъминлаш бошқармаси                                                  |
| 14 | Карантин зарарли организмлар билан зарарланиш эҳтимоли                                                                                         | Чегара назоратини кучайтириш                                                                                                                                                                 | Рақамли мониторинг текширувларини такомиллаштириш                                                                                                                                                        | 01.07.2026 | Ўсимликлар ҳимояси ва агрокимё бўлими                                        |
| 15 | Яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотлар ўтказиш ҳамда яйловларни хатловдан ўтказиш ишларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилмаслиги | Яйловлар ҳолатини хатловдан ўтказиш ва геоботаник тадқиқотлар олиб бориш.                                                                                                                    | Хатлов натижалари асосида яйловларнинг контур қайдномаларини тузиш ҳамда яйловларнинг рақамли хариталарини ишлаб чиқиш ва янгиланган ердан фойдаланувчилар чегараларини электрон хариталарга тушунтириш. | 30.12.2026 | Тупроқ унумдорлигини ошириш ва ерлар деградациясига қарши курашиш бошқармаси |



|    |                                                                                                                                                                         |                                                                          |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                            |            |                                                                              |
|----|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------|------------------------------------------------------------------------------|
| 16 | Сугориладиган қишлоқ хўжалиги ерларида тупрок агрокимёвий тадқиқотлар ўтказиш ва агрокимёвий картограммалар тузиш ишларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилмаслиги | Қишлоқ хўжалиги экин ерларининг агрокимёвий картограммасини ишлаб чиқиш. | Андижон (230 минг га), Жиззах (278 минг га) ва Қашқадарё (456 минг га) вилоятларидаги жами 964 минг гектар сугориладиган қишлоқ хўжалиги ер майдонларида дала тадқиқот ишлари (карта материалларни тайёрлаш, тупрок намуналарини олиш)ни ўтказиш. Жумладан, I чоракда 40 минг гектар; II чоракда 290 минг гектар; III чоракда 580 минг гектар; IV чоракда 964 минг гектар. | 31.12.2026 | Тупрок унумдорлигини ошириш ва ерлар деградациясига қарши курашиш бошқармаси |
| 17 | Кредит-модуль тизимида хатолар                                                                                                                                          | Ўқув режаларини халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиш            | Ўқув режаларни шакллантиришда тажрибали мутахассислардан иборат муофиқлаштирувчи кенгаш тузиш.                                                                                                                                                                                                                                                                             | 01.06.2026 | Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти                       |
| 18 |                                                                                                                                                                         |                                                                          | Ўқув режада кўрсатилган танлов фанларни таълим йўналишларини келажагини кўзда тутилган ҳолда иш берувчиларнинг таклифлари асосида шакллантириш                                                                                                                                                                                                                             | 01.06.2026 | Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти                       |
| 19 | Таълим пасайиши сифати                                                                                                                                                  | Ўқув режа ва ўқув жараёни жадвалини қайта кўриб чиқиш                    | Ўқув режа ва фан дастурларини меҳнат бозори талабларига мослаштириш                                                                                                                                                                                                                                                                                                        | 01.07.2026 | Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти                       |
| 20 |                                                                                                                                                                         |                                                                          | Фан-таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида амалий, лаборатория машғулотларини илғор ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларида ўтказилишини таъминлаш.                                                                                                                                                                                                                  | 01.07.2026 | Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти                       |
| 21 | Илмий тадқиқотлар самарасизлиги                                                                                                                                         | Илмий кенгашлар фаолиятини кучайтириш                                    | Амалиётга йўналтирилган ва инновацион тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш.                                                                                                                                                                                                                                                                                                      | 01.04.2026 | Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти                       |



|    |                                                       |                                                                             |                                                                                                                                            |            |                                                        |
|----|-------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------|--------------------------------------------------------|
| 22 |                                                       |                                                                             | Тадқиқот мавзулари минтақа бўйича ўз муаммосини ечимини қутаётган долзарб вазифалардан келиб чиқиб илмий кенгашда белгиланишини таъминлаш. | 01.05.2026 | Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти |
| 23 | Илмий лойиха<br>маблагларидан самарасиз<br>фойдаланиш | Ички аудит тадбири<br>ўтказиш                                               | Аудитор йиллик иш режага киритиш.                                                                                                          | 01.02.2026 | Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти |
| 24 |                                                       |                                                                             | Самарасиз харажат моддаларини вақтинча тўхтатиш.                                                                                           | 01.07.2026 | Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти |
| 25 | Амалиётларни сифатсиз<br>ташқил этиш                  | Корхона ва ташкилотлар<br>билан тузилган шартномаларни қайта кўриб<br>чиқиш | Корхона ва ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида амалиётчи талабаларга иш ҳақи тўланишини йўлга қўйиш.                            | 01.06.2026 | Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти |
| 26 |                                                       |                                                                             | Амалиёт ўтаган корхона ва ташкилотларида битирувчиларни ишга олиб қолиш чораларини кўриш.                                                  | 01.06.2026 | Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти |
| 27 | Лаборатория<br>жиҳозларининг<br>яроқсизлиги           | Модернизация<br>шакллантириш<br>режаси                                      | Барча лаборатория жиҳозларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш.                                                                             | 01.09.2026 | Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти |
| 28 |                                                       |                                                                             | Яроқли, қисман яроқли ва яроқсиз жиҳозларни таснифлаш ҳамда босқичма босқич замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминлашни йўлга қўйиш  | 31.12.2026 | Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти |



|    |                                                  |                               |                            |                                                                                               |            |                                                                 |
|----|--------------------------------------------------|-------------------------------|----------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------|------------|-----------------------------------------------------------------|
| 29 | Харидларда<br>бузилиш                            | Харид<br>аъзолари<br>ошириш   | комиссияси<br>маъсулиятини | Қонун бузилиши аниқланган<br>харидларни вақтинча тўхтатиш ёки<br>бекор қилиш                  | 01.12.2026 | Андижон қишлоқ<br>хўжалиги ва<br>агротехнологиялар<br>институти |
| 30 |                                                  |                               |                            | Қонун бузилишига сабабчи масъул<br>ходимларга жазо чораларини<br>кучайтириш.                  | 01.12.2026 | Андижон қишлоқ<br>хўжалиги ва<br>агротехнологиялар<br>институти |
| 31 | Давлат мулки талон-<br>торож қилиниши            | Инвентаризация ўтказиш        |                            | Аниқланган қонунбузарлик<br>ҳолатларини дарҳол тўхтатиш.                                      | 01.12.2026 | Андижон қишлоқ<br>хўжалиги ва<br>агротехнологиялар<br>институти |
| 32 |                                                  |                               |                            | Қонун бузилишига сабабчи масъул<br>ходимларга жазо чораларини<br>кучайтириш.                  | 01.12.2026 | Андижон қишлоқ<br>хўжалиги ва<br>агротехнологиялар<br>институти |
| 33 | Талабалар турар жойида<br>санитар ҳолат бузилиши | Санитар<br>тадбирлари ўтказиш | гигиена                    | Талабаларга санитар қоидалар<br>бўйича тушунтириш ишларини<br>такомиллаштириш.                | 01.03.2026 | Андижон қишлоқ<br>хўжалиги ва<br>агротехнологиялар<br>институти |
| 34 |                                                  |                               |                            | Санитария ва гигиена маданиятини<br>ошириш бўйича тарбиявий чора-<br>тадбирларни ишлаб чиқиш. | 01.07.2026 | Андижон қишлоқ<br>хўжалиги ва<br>агротехнологиялар<br>институти |